

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 5 апрель, № 67 (8410) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА БИЛАН ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегация билан 4 апрель куни ўтказилган учрашувида юқори технологиялар, сунъий интеллект, рақамлаштириш, шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари, ҳудудларнинг савдо-инвестициявий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.**



Давлатимиз раҳбари ушбу йўналишлар бўлажак олий даражадаги икки томонлама саммит кун тартибининг асосини ташкил этиши лозимлигини қайд этди.

Бундан ташқари, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, бошқарувда профессионал кадрларни ва дастурчиларни тайёрлаш, “электрон ҳукумат”ни жорий қилиш йўналишларида ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Вазир ал-Гаргавий давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ҳамда мамлакат Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Президенти томонидан жорий дастурларни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлашни назарда тутувчи “Йўл харитаси”ни янгилаш юзасидан топшириқлар берилди.

Якунда вазир ал-Гаргавийга Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришга қўшган катта ҳиссаси ва Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени топширилди.

**ЎзА.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.*

# БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент шаҳри лойиҳаси концепцияси ва пойтахтдаги бунёдкорлик ишларига оид тақдимот билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари 18 март куни Янги Тошкент шаҳри лойиҳасига тамал тоши қўйган эди. Бугунги тақдимотда унинг биринчи босқичи доирасидаги масалалар кўриб чиқилди.

Бу босқичда 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, давлат идоралари учун маъмурий бинолар, боғлар, ижтимоий ва иқтисодий объектлар барпо этилиши режалаштирилган. Буларни лойиҳалаштириш ва барча ишларни мувофиқлаштириш учун дирекция тузилди. Хорижий мегаполислардаги урбанизация ва қурилиш тажрибаси ўрганилди.

Шунга мувофиқ, Янги Тошкентни администрация, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият каби 5 та негиз асосида қуриш мўлжалланмоқда. Буларнинг ҳар бири тизимдаги бўғинлар ва қуйи ташкилотларни ўз ичига олади.

Тақдимотда бунёдкорлик жараёнининг “Йўл харитаси” бўйича ҳам ахборот берилди. Албатта, бундай улкан лойиҳани амалга ошириш учун иш, аввало, инфратузилма яратишдан бошланади. Қайд этилганидек, бунда замонавий урбанизация ёндашувлари, “ақлли” технологиялар қўлланилади. Масалан, “уч генерация” станцияси қурилиб, ҳам электр ишлаб чиқарилади, ҳам бинолар қишда иситилиб, ёзда совитилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тагидан ўтказилади.

Шаҳарда инфратузилма, турмуш ва экология мутаносиб бўлади. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси шу ердан бошланади. Пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилади. Шу мақсадда автомобиллар учун ер ости тураргоҳлари, 14 та замонавий туннель, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади.

Давлатимиз раҳбари бўлажак шаҳарда “инсон қадри” тамойилини қарор топтириш, турли ёшдаги одамларнинг эҳтиёжларини инобатга олиб, барча қулайликларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Иншоотларни эксплуатация ва транспортлар учун қулай жойлаштириш, яшил ҳудудлар кўп бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотдаги яна бир лойиҳа Тошкент ер усти метросининг остида савдо ва хизмат шохобчаларини жойлаштириш ҳақида бўлди. Жумладан, мазкур транспорт иншоотининг Яшнобод туманидаги қисмида 4 километр бўш жой бор. У ерда яшил ҳудудлар, автотураргоҳ, воркаут майдончалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш мумкин. Бу борада Берлин шаҳри тажрибаси ўрганилган.

Ушбу ҳудудларни лотларга ажратган ҳолда ижарага бериш, хавфсизликни таъминлаб, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар ижросини самарали амалга оширишда илмий ёндашувлар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги:

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти негизида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институтини** (кейинги ўринларда — Институт);

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби негизида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабини** (кейинги ўринларда — Олий мактаб) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятининг устувор йўналишлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби раҳбарларини тайинлаш, ходимларига тиббий хизмат кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва устама белгилаш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Институт ва Олий мактаб фаолиятининг устувор йўналишлари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

Институт таркибида ҳудудларда ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уларни оптимал тақсимлаш орқали бандликни таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш юзасидан муаммоларни ўрганиш ва амалий таклифлар тайёрлашга йўналтирилган юридик шахс бўлмаган “**Ер ислоҳотлари маркази**”;

Олий мактаб тузилмасида юридик шахс бўлмаган “**Яшил иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш**” **лойиҳа офиси** ва **Бизнес инкубатор ва стартап лойиҳалар билан ишлаш маркази** ташкил этилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров):

Институт ва Олий мактабнинг бошқарув ҳамда илмий педагогик ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда замонавий талабларга мос юқори малакали кадрлар билан тўлдириш;

Институт ва Олий мактабнинг Васийлик кенгаши орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўрсин.

5. Ҳудудлар ва соҳалар кесимидаги муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сўровномалар олиб бориш, мунтазам равишда Ўзбекистон иқтисодчилар форумини ташкил этиш, хорижий экспертларни жалб қилиш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида Институт қошида юридик шахс бўлмаган **Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан **ҳар йили** Институтнинг бир йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **40 фоизи** миқдорида ажратиладиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қуйидагилар Институт ва Олий мактаб фаолиятининг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

**2023 йилда** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида **Институт ва Олий мактаб фаолият кўрсатиши учун назарда тутилган маблағлар**, 2024 йилдан бошлаб белгиланган тартибда Давлат бюджети параметрларида кўзда тутиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** Институт ва Олий мактаб фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш, моддий-техника базасини яхшилаш ва бошқа ташкилий-техник масалаларни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 4 апрель

# БАРЧА ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ БАТАФСИЛ ИФОДАЛАНГАН

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатларнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи давом этмоқда. 2023 йил 4 апрель куни Бухоро ва Навоий вилоятлари давлат ва жамият бошқаруви тизимининг турли объектлари, ижтимоий-иқтисодий соҳа муассасаларида қатор учрашувлар бўлиб ўтди.*

## Учрашув

Хусусан, Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги 1-сонли мактаб ва кўп тармоқли поликлиника меҳнат жамоалари, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги бир қатор маҳаллалар фаоллари билан мулоқотлар ўтказилди. Вобкент тумани ички ишлар бўлимида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишилди.

Шу куннинг ўзида Навоий вилоятининг бир қатор туманлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва мамлакатимиз парламенти депутатлари ўртасида фикр алмашишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

→ 2

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

*Мажлисда Сенатнинг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисини 2023 йилнинг 6 апрель куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.*

Қайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган мазкур ялпи мажлисда бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”-ги, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

→ 2



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси 2023 йил 6 апрель куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 6-7 апрель кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар**

Қорақалпоғистон:

# ҲУДУД ТАРИХИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ ОЧИЛМОҚДА

*Қорақалпоқ адабиётининг ёрқин намояндаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг “Туғишганлик” сарлавҳали ғоят гўзал, пурҳикмат шеъри бор. Ушбу асарда халқлар ўртасидаги тинчлик-тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, иноқликни таъминловчи бир ҳаётбахш сўз таърифланади — туғишганлик.*

Дарҳақиқат, мана шу биргина сўзнинг замирида улкан маънолар мужассам. Туғишганлардек муқаддас ришталар мустаҳкам боғлангани боис тили биру дили бир турли халқлар кўҳна тарих давомида қанчадан-қанча синовларни, машаққатларни мардонавор енгиб, ҳаётнинг тўфону довулларидан омон-эсон ўтиб, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Шоир таъбири билан айтганда:

Тарихларга гувоҳли сўз,
Ҳар бир дардга даволи сўз,
Муқаддас сўз, дуоли сўз:
Туғишганлик, туғишганлик.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларини ҳам ана шундай юксак инсоний муносабатларга асосланган қон-қардошлик иплари ўзаро чамбарчас боғлаб туради.

→ 3

## Бизнинг суҳбат

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

**МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР**

*Юртимизда қонун устуворлиги ҳамда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактикасини олиб бориш ишлари эса ундан-да муҳим, десак, айни ҳақиқат.*

*Шу маънода, мамлакатимизда мазкур масалалар ижросига масъул — ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*

*Ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар ва кейинги йилларда соҳани янада такомиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган янгича ёндашувлар, шу билан бирга, айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги режалар хусусида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбатлашдик.*

→ 4

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИГА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияси раиси Танзила Норбоеванинг "Better Cotton Initiattive"* (BCI) *халқаро ташкилоти стандартлар ҳамда сифат кафолати бўйича директори Челси Рейнхард билан учрашуви бўлиб ўтди.*

## Мулоқот

Таъкидлаш жоизки, кейинги 6 ой давомида "BCI" раҳбарияти ва вакиллари мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюрди. Хусусан, ушбу ташкилотнинг бош директори Алан Макклей ҳамда менежери Рейчел Беккет билан самарали учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, пойтахтимизда "Better Cotton Initiattive" — экология учун яхшироқ, жамият учун яхшироқ, иқтисодиёт учун яхшироқ, келажак учун яхшироқ" мавзуида халқаро конференция уюштирилди. Натижада республика пахта-тўқимачилик кластерларини янада ривожлантириш, фермер хўжаликлари миқёсида "Better Cotton" тизими стандартларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва кўмаклашишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятига халқаро стандартларни кенгроқ жорий этиш, шунингдек, пахта етиштириш амалиётини такомиллаштиришда "BCI" лойиҳаси билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

— Биз янги "ўсиш нуқталари"ни белгилаш билан саноатни ривожлантиришга ўтдик. Хусусан, корхоналар фаолиятига жаҳон брендлари талабларига мос келадиган халқаро стандартларни жорий этиш устувор вазифа бўлди. Республика тўқимачилик саноатига халқаро стандартларни йўлга қўйиш ва сифатли амалга ошириш учун Миллий комиссия доирасида "BCI" стандартларига ўтиш чора-тадбирларини ўз ичига олган алоҳида "Йўл харитаси"ни қабул қилдик. Қувонарлиси, бугунги кунда ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари уларни бажаришдан манфаатдор, чунки айнан пахта саноатида муносиб меҳнат муносабатларини жорий этиш борасида эришилган ютуқлар жаҳон брендларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дея таъкидлади Сенат Раиси.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугун "BCI" стандартлари 12 та кластер фаолиятида татбиқ этилмоқда, мустақил баҳолашдан муваффақиятли ўтган кластерларга лицензиялар берилаётир.

Ўз навбатида, Челси Райнхард сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларнинг ижобий натижаларини шахсан кузатиб бораётганини ва ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик соҳасига халқаро стандартларни жорий этаётган илғор давлатлардан бирига айланиш учун катта салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида "Better Cotton Initiative" вакили халқаро ташкилот Тошкентда ўз офисини очиш ниятида эканини ва у мазкур ташкилот билан ҳамкорлик қилишда Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун марказий қароргоҳга айланишини айтиб ўтди.

Суҳбат давомида халқаро стандартларга ўтилиши ва кластерларга "BCI" сертификатлари тақдим этилиши Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига эришишга хизмат қилиши, муносиб меҳнат шароитларини янада яхшилаш, меҳнат муносабати жараёни очиқ ва шаффофлигини таъминлаши ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган манзилли чораларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

←1 Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йилдаги фаолияти ҳақидаги ахборотини эшитади.

Бундан ташқари, ялпи мажлис кун тартиби доирасида музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юбориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижро этилиши юзасидан 2022 йил 7 октябрда қабул қилинган қарори бажарилиши масалаларини ҳам кўриб чиқиш кўзда тутилган.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини ҳам тасдиқлаш режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

# ҚЎМИТАЛАРДА МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Жорий йил 6-7 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга янгича суръат бериши кутилаётган қатор долзарб масалалар кўрилиши кўзда тутилмоқда. Кеча мазкур масалалар парламент юқори палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

Хусусан, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, сўнгги вақтларда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонликлар ортиши бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг махсус турларини киритиш, бундай турдаги жиноятларга нисбатан енгиллаштирувчи меъёрларни бекор қилиш ҳамда жавобгарликни янада кучайтириш каби чораларни қўллашни тақозо этди.

Шу боис Жиноят кодексида оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатлари учун алоҳида жавобгарлик чоралари белгиланмоқда. Эндиликда оилавий муносабатдаги шахсларга нисбатан енгил тан жароҳати етказиш оилавий (маиший) зўравонлик сифатида баҳоланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга алимент тўлаш мажбуриятларини белгиловчи бир қатор ўзгартишлар киритиляпти. Хусусан, алиментдан қарздорлиги бор шахсга нисбатан маъмурий қамоқ ёки жарима жазоси тайинланиши алимент олувчининг (вояга етмаган шахс) аҳволини яхшиламаслиги сабабли ушбу тоифадаги қарздорларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий жалб этиш тарзидаги маъмурий жазо тайин қилинмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга "шаҳвоний шилқимлик қилиш" тушунчаси ва жавобгарлик чоралари киритилмоқда. Хотин-қизларга ҳақоратомуз ва уларнинг нафсониятига тегиши мумкин бўлган гапларнинг айтилиши уларнинг қўрқув ва ҳадиксирашига сабаб бўлади. Бундан хавфсираган хотин-қизлар кўчага, жамоат жойларига чиқишдан тийилади, чиққанда бу қилмиш оқибатида оғир маънавий зарар олиб, руҳияти бузилади. Бу норма хотин-қизларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилади.

"Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга "таъқиб этиш" (stalking) тушунчаси киритилиб, таъқиб қилганлик учун ҳам ҳимоя ордери берилиши мумкин бўлади.

* * *

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва бир қатор қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан ҳисобот даври мобайнида 10 та асосий йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Хусусан, Омбудсман томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига 142 та таъсир чораси, жумладан, 25 та тақдимнома, 39 та хулоса ҳамда судларга 78 та даъво аризалари киритилган.

2022 йилда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан таъсир чоралари 2021 йилдагига нисбатан 33,8 фоизга, 2020 йилдагига нисбатан эса 3,5 баробар ошган.

Мажлисда Омбудсман номига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳисобот даврида 17 минг 761 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилдагига нисбатан 977 тага ёки 5,2 фоизга камайгани таъкидланди.

Шунингдек, 2022 йилда Омбудсман томонидан парламент назорати субъекти сифатида 3 974 та мурожаат назоратга олиниб, уларнинг 1 096 таси ижобий ҳал қилинган.

Йиғилишда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этилиши режалаштирилган қонунлар ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

* * *

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида 10 га яқин қонунлар ҳамда бир қатор масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Жумладан, иштирокчилар томонидан "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда жамоатчиликнинг кўплаб муҳокамаларига сабаб бўлаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун ҳужжатларига "оилавий (маиший) зўравонлик", "таъқиб этиш" каби тушунчалар, жинсий зўравонлик, шу жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган енгилликларни бермаслик каби нормалар киритилмоқда.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи дастлабки тарзда эшитилди.

Сенаторлар томонидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларига Омбудсман номидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган ариза ва даъво аризалари, тақдимномалар ҳамда тавсиявий хусусиятга эга хулосаларнинг ижроси қай даражада эканлиги муҳокама қилинди.

Вазирлик ва идоралар вакиллари фуқаролар ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда тегишли ходимларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

* * *

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижро этилиш ҳолати муҳокамадан ўтказилди.

Сир эмаски, 2021 — 2024 йилларда Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурстежамкор ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида "Йўл харитаси" ҳамда устувор инновацион лойиҳалар рўйхати тасдиқланган эди.

Таъкидланганидек, "Йўл харитаси"даги 7 та йўналиш бўйича 71 тадбирнинг 52 таси бажарилган. Жумладан, Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда илмий-тажриба участкаси ва экофизиологик тадқиқотлар лабораторияси фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, Нукус туманида "Ақлли қишлоқ" концепцияси асосида замонавий тураржойлар комплексини қуриш учун 19,3 гектар ер майдони ажратиш бошланган. Гидрометеорология хизмати маркази томонидан атмосфера ҳавоси ифлосланишини автоматик мониторинг қилишга ихтисослаштирилган 7 та ускунани ўрнатишга киришилган.

Бундан ташқари, 65 та устувор инновацион лойиҳанинг 36 таси амалга оширилган. Хусусан, Испания технологияси асосида балиқчилик учун кунига 5 тонна замонавий "яшил" озуқа етиштириш технологияси йўлга қўйилган. 720 гектар майдонда мевали боғ яратилган, базальтдан минерал вата, ёғоч ўрнини босувчи қамишдан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳалари ижроси уддаланган.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим лойиҳалар ўз вақтида ишга туширилмагани, соҳада камчилик ва муаммолар сақланиб қолаётганлиги сенаторлар томонидан таъкидланди.

Шунингдек, мажлис давомида иқлим ўзгаришининг Ўзбекистондаги оқибатларини юмшатиш бўйича қисқа ва ўрта муддатли чора-тадбирларни амалга ошириш режасида белгиланган вазифалар ижроси ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Қўмита мажлисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

*Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

# БАРЧА ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ БАТАФСИЛ ИФОДАЛАНГАН

←1 Тадбирларнинг асосий мавзуси — жорий йилнинг 30 апрелига белгиланган Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрири бўйича умумхалқ референдуми.

Йиғилиш иштирокчилари ўтказилаётган референдумни сўзсиз қўллаб-қувватлашларини билдириб, у мамлакатимизнинг изчил ривожланишида тарихий аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Сўз олганлар Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётидан аниқ мисоллар келтириб, жамиятимиз тараққиётида катта ижобий сакраш бўлганини ва жойларда одамлар ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги тарафдори эканини, аввалги шарт-шароитларга қайтмасликни кафолатлайдиган нормаларни Конституция даражасида ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилаётганларини билдирдилар.

Жумладан, Навоий шаҳар Кенгаши депутати Анора Бобомуродова ўз нутқида шундай деди: "Мамлакатимизнинг янгиланаётган Конституцияси қабул қилиниши учун барча имкониятимизни ишга солишимиз керак. Дарҳақиқат, референдумга тақдим этилган лойиҳа ўз руҳи ва мазмунига кўра давлат ваколатларини ҳимоя қилувчи эмас, балки оддий фуқароларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи ҳужжатдир. Қабул қилиниши билан у мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун "қўлланма"га айланади, чунки унда барча ҳуқуқ ва имкониятларимиз батафсил ва замонавий тарзда баён этилган.

Биз янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш масаласини ўз вақтида кўтардик. Эришилган натижаларни Бош қомус даражасида мустаҳкамлаб, келажак истиқболларини белгилаб олишимиз лозим. Ишончим комил, муваффақиятли якунланган референдумдан сўнг Ўзбекистон ўз фуқаролари номидан ишлайдиган энг демократик ва амалий жиҳатдан қимматли Конституцияга эга давлатга айланади".

**«Халқ сўзи».**

# ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ҳудудларда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирлар давом этяпти.*

## Депутатлар — ҳудудларда

### Барчаси инсон манфаатлари учун

Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шариповнинг Сурхондарё вилоятида сайловчилар билан учрашувлари қизғин кечмоқда. Мулоқотлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, конституциявий ислоҳотлар ҳақида сўз юритилаётир.

Хусусан, Термиз давлат педагогика институтида бўлиб ўтган тадбирда халқ вакили янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унга киритилаётган нормалар ва концептуал ўзгартишлар ҳақида маълумот берди.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда "Инсон манфаати ҳар нарсадан устун" деган мезон асос қилиб олингани қайд этилди. Бош қомусимизда таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошаётгани, жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти белгилаб қўйилгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун кенг имкониятлар эшиги очилди, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Ф. Шарипов. — Хусусан, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида олишга шароит яратилди. Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам таълим соҳасига доир кўпгина нормалар ўз ифодасини топаётгани қувонарлидир.

Тадбирда иштирокчилар ҳам фаоллик кўрсатиб, киритилаётган янгиликларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ўз навбатида, саволларига атрофлича жавоблар олди.

### Аҳоли саломатлигини асрашга доир янги нормалар

Худди шундай тарғибот тадбирларидан яна бири Фарғона вилоятининг Сўх тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутати Аҳмаджон Ғаниев иштирок этиб, Бош қомусимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши мустаҳкамланаётир. Лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда сўз олганлар сўнгги йилларда юртимизда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, малакали тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, ислоҳотлар натижаси чекка ҳудудларда ҳам бўй кўрсатаётганини қайд этдилар. Асосий Қонунимизга киритилаётган ўзгартишлар халқимизни бугунидан рози қилиш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилиши таъкидланди.

Очиқ ва самимий мулоқот давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олди.

### Тиббий хизмат кафолатлари

Андижон вилояти қон қуйиш марказида Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адҳамжонова иштирокида бўлиб ўтган тадбирда қайд этилганидек, фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда ва давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади.

Ҳозирда аҳоли учун тиббий ёрдамнинг кафолатланган бепул ҳажми доирасига шошилинч тиббий, бир қатор юқумли касалликлар бўйича бирламчи тиббий-санитария, ижтимоий аҳамиятга эга хасталиклар ва хавфли касалликлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш киради.

Давлат ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги, 2022 йилда 120 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ихтисослаштирилган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма электрон навбат асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан маблағлар шифохонага эмас, балки аниқ беморга ажратилмоқда.

— Хусусан, биргина 2022 йилнинг ўзида тиббиёт соҳасига бюджетдан 29 триллион сўм йўналтирилди, бу маблағ 2016 йилдагига нисбатан 5 баробар кўпдир, — дейди депутат Мавлуда Адҳамжонова. — Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Буларнинг барчаси юртимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган амалий чораларнинг яққоли мисоли. Шу жиҳатдан янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилаётгани таҳсинга сазовордир.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар сўнгги олти йилдаги ислоҳотлар ва юксалишларни вилоят миқёсида амалга оширилган ишлар, ўзгаришлар мисолида эътироф этдилар.

**«Халқ сўзи».**

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ, ФАОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Адвокатлар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланади

Мажлисда "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, адвокатура институти ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ишини юритишнинг барча босқичида томонларнинг тортишуви принципи асосида ишни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиб, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 4 минг 625 нафар адвокат фаолият юритмоқда. Шундан 30 ёшгача бўлганлари сони атиги 51 нафар, 50 ёшдан ошган адвокатлар сони эса 2 минг 619 нафарни ташкил қилмоқда. Умумий ҳисобда ҳар 7,6 минг аҳолига битта адвокат тўғри келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талаби бекор қилинмоқда. Ушбу талаб амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3[1]-моддаси иккинчи қисмидан жой олган.

Адвокатурага ишга қабул қилиш тартибини янада соддалаштириш вазифаси Президентимизнинг 2023 йил 28 февралдаги тегишли Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам белгиланган.

Шунингдек, адвокатуранинг конституциявий-ҳуқуқий институт сифатидаги мақомини янада ошириш янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, Бош қомусимизда тарихий қадам сифатида адвокатура фаолиятига доир алоҳида боб киритилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун билан адвокатлик лицензиясини олишга имтиҳон топшириш учун талабгор шахснинг юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши талабининг бекор қилиниши олий таълим ташкилотлари битирувчи ҳуқуқшунослари орасида адвокатура соҳасига бўлган қизиқишнинг ошиши, соҳада кадрлар алмашинуви жараёнлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга бой бўлди. Депутатлар лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини билдирди. Кўплаб саволлар ўртага ташланди ва уларга атрофлича жавоблар олинди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.



### Ҳуқуқбузар қандай ҳолларда жариманинг қолган қисмини тўламайди?

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат "Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Айни вақтда фуқароларнинг суд ҳужжатлари ва одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, фуқароларга маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча енгилликлар бериш орқали суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини янада ошириш тақозо этилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида 2023 йил 1 майдан бошлаб ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, ўттиз кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилиниши, шунингдек, мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилган жарималарни ихтиёрий тўлашнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши ўзининг ижобий самарасини кўрсатиб келмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юкини камайтириш орқали қўлланилган жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштиришга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг бугунги кундаги зарурати ва аҳамиятини ҳисобга олиб, уни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Узоқ давом этган савол-жавоблар, муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# Қорақалпоғистон: ҲУДУД ТАРИХИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ ОЧИЛМОҚДА

1 Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар сафар Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрар экан, қорақалпоқ халқи, фаоллари билан учрашувлар, суҳбатларда айни жиҳатга алоҳида тўхталади. Азалдан эт билан тирноқдек ажралмас бўлиб яшаб келаётган икки халқнинг оғзибирчилиги, тотувлиги ҳеч қачон йўқолмаслигига урғу беради. Зеро, ҳар қандай тараққиёт, мақсадлар сари олға силжиш, улкан марраларга эришув фақатгина ана шу аҳиллик, ўзаро дардкашлик, чўнг самимият, меҳр-оқибат, бир ёқадан бош чиқариш, ишни кенгашиб ҳал этиш асосида амалга ошган. Бу халқимизнинг қадимий тарихида ҳам неча бор исбот топган.

## «Аср фожиаси»га қарши кураш

Оролбўйи минтақаси, бу ҳудудда яшаётган аҳоли неча йиллардан буён даҳшатли экологик муаммо — Орол денгизининг қуриши ва бунинг оқибатида минтақада заҳарли, тузли чанглар, шўрланиш, аҳоли орасида турли касалликларнинг кўпайиши, генофонднинг зарарланиши билан курашиб келаётгани бутун дунёга аён.

Жаҳон олимлари, эксперт ва мутахассислари томонидан “аср фожиаси” дея тан олинган ушбу глобал муаммони юмшатиш, оқибатларини бартараф этиш борасида кейинги йилларда салмоқли ишлар қилинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, оқиллиги, юртдошларимизнинг ҳамжиҳатлиги, омилкорлиги бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этяпти.

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб Қорақалпоғистонга алоҳида эътибор қаратди. Қорақалпоқларнинг азобли ўтган замонини ва ўзбек халқи билан абадий дўстлигини теран баҳолаб, Оролбўйини иқтисодий-ижтимоий, маданий тарафдан ривожлантириш бўйича кенг миқёсдаги дастурларни белгилаб берди.

Минтақадаги инқирознинг энг биринчи сабаби Орол муаммоси эканлигини таъкидлаб, ушбу масалани ҳал этишдаги халқаро режаларга, илмий ёндашувларга, Оролни қутқариш ташкилотларининг ишига кўнгли тўлмай, унинг самарали ечимига қаратилган янги стратегияни таклиф қилди. Президентимиз Орол муаммосини бартараф этиш учун муаммонинг фақат оқибати билан эмас, балки сабаби билан курашишнинг самарали йўлини кўрсатди. Денгизнинг қуриб қолган майдонини ўсимликлар билан қоплаб, тузли, заҳарли тўзонни тўхтатиб, унинг ўрнига “яшил” иқтисодиётни ташкил этишни илмий асослаб берди. Бу ўткир фикр дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ва башарият тарихида инсон донишмандлигининг энг улкан ютуғи сифатида баҳоланди.

Қорақалпоғистонда бир пайтлар денгиз ва унга туташ дарёлар, яйловлар одамларга ризқ улашган, иш, даромад манбаи бўлган. Лекин табиат қонунларига аралашиш, Амударё ва Сирдарё сувини тўсиш дунёдаги оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Минтақада чўлланиш ва шўрланиш даражаси кескин ортди. Ўсимлик ва ёввойи ҳайвонлар тури камайиб кетди. Глобал исиш муаммоси кучайиб, ёғингарчилик камаётган бугунги асримизда Орол денгизини қутқариш тобора имконсиз бўлиб бормоқда. Бундай шароитда ягона йўл — борини асраб қолиш, фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини осонлаштириш.

Давлатимиз раҳбари бу бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси сессияларида гапирди, халқаро саммитларда муҳим таклифларни илгари сурди. Шу билан бирга, ўз имкониятларимизга таяниб, амалий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2018 йили Мўйноққа ташрифи чоғида олимлар билан маслаҳатлашиб, денгизнинг суви қуриган қисмида шўрга чидамли ўсимликлар экиш вазифасини белгилади. Натижада ўтган йилларда 1 миллион 700 минг гектар майдонни ўрмонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг учун саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан қарийб 6 минг тоннадан зиёд уруғ тайёрланиб, қийин шароитларда экилган. Бу хайрли, долзарб ҳаракат давом эттирилмоқда. Яна минглаб гектар майдонда “яшил” қоплама барпо қилиш режалаштирилган.

Президентимиз Орол муаммосига қарши курашда бутун дунё давлатларининг бирлигини ташкиллаштирган траст фондининг тузилишига эришди. Марказий Осиё минтақаларидаги сув муаммосини тенг ҳисобга олишнинг ақлга мувофиқ эканлигини кўрсатиб, Қорақалпоғистонни сувсизликдан қутқарди. Президентимизнинг донолиги билан халқнинг йўқолиб бораётган умидлари тикланди, келажакка ишонч кучайди.

Энг муҳими, қорақалпоқ халқи асрлар давомида орзу қилиб, интилиб келган эзгу мақсадига етди — озод ва эркин, тинчосуда ҳаётга эришди, ўз тарихи, маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларини тиклаш, ривожлантириш, ўзлигини англаш имконига эга бўлди.

## Аҳоли фаровонлиги — асосий мақсад

Саховатли ва бетакрор Қорақалпоғистон диёри мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Шу боис кейинги йилларда юртимизнинг барча ҳудуди қатори Оролбўйи минтақасининг ривожланишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда республика пойтахти — Нукус шаҳридан бошлаб, туманлар марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто чекка овулларгача ҳар томонлама ўзгариб, чирой очяпти. Бунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Айтиш керакки, бу дастурлар республикани асрлар давомидаги оддий аграр ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, транспорт-коммуникация тармоқлари, юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли минтақага айлантиришни назарда тутади. Дастурларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ замини бугунги кунда ўзгариб, йилдан-йилга тараққий топяпти.

Оғзибирчилик туфайли бу заминда амалга оширилган улкан иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, қурилиш ва ободончилик ишларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Агар бу ўзгаришларни рақамлар мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги олти йилда ҳудудга 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди. Тадбиркорлар сони икки баравар кўпайиб, 46 мингта доимий иш ўрни яратилган. Умуман, бу даврда республикада саноат 1,3 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва тўқимачилик, фармацевтика саноати маҳсулотлари тайёрлаш 2 баравардан зиёд ўсди. Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмайди.

Ўтган йили 31 августда давлатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва катта дастур қабул қилинган эди. Шунга асосан, жорий йилнинг ўзида 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағ ажратилди. Тадбиркорларга жозибадор бизнес муҳитини яратиш мақсадида фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу орқали Қорақалпоғистоннинг барча тадбиркорлари ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм қоляпти.

Қолаверса, юртимиздаги барча вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари масъул этиб белгиланган. Бунинг натижалари барча туманда кўриняпти ва бу ишлар тўхтамайди.

## Ватан ободлиги маҳалладан бошланади

Давлатимиз раҳбари қайси ҳудудга бормасин, истиқболли таклиф ва ҳаётбахш ташаббусларни олиб боради. Президент Шавкат Мирзиёев шу йил 30 март куни Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида ҳам минтақани ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббусни илгари сурди. Биринчиси, Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирига тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади. Иккинчиси, кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади. Учинчиси, аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Бунга қўшимча, замонавий лойиҳа асосида 4 минг якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда маҳаллага алоҳида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Ушбу ноёб институт орқали одамларнинг муаммоларини, ташвишларини тезроқ аниқлаб, уларга ечим топиш мумкин. Қисқача айтганда, Ватан ободлиги маҳалладан бошланади. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги Алтин жағис маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

Бу ерда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Маҳаллалардаги манзилли ишлар Алтин жағисда ҳам ўз натижасини бермоқда. Яқин-яқингача бу манзил транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Ўтган йили бу ер “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Йўл, электр энергияси, ичимлик суви ҳамда газ тармоқлари янгиланди. Маҳалла биноси янгидан қурилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка кўмаклашувчи марказ, савдо шохобчаси ташкил этилди. Замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бундай яхлит мажмуа аҳолига қулайлик яратади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.






Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон маҳаллаларини обод қилиш, сув, йўл, электр таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча ва тиббиёт пунктларини қуриш ва таъмирлаш учун бу йил 1,5 триллион сўм берилишини маълум қилди. Бу ерда ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринлари яратишга эътибор қаратилмоқда. Маҳалланинг ери унумдор эмас. Аҳоли, асосан, хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Маҳаллада маиший хизмат шохобчалари, тикувчилик корхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат устахоналари бор. Келгусида қуёнчилик ва балиқчиликни ривожлантириш режалаштирилган.

Маҳалла билан танишиш узоқ давом этди. Давлат раҳбари шу ерлик Қуўаншбай Сейтназаров хонадонида ифторлик қилди. Юртимизни Наврўз шукуҳи ҳали тарк этмаган. Президентимиз маҳалла аҳлининг сумалак сайлида ҳам қатнашди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан қорақалпоқ заминида қайноқ, жозибали ва яшаш учун қулай ҳаёт барпо этилмоқда.

## Ариқ қазимасанг, сув чиқмас

Доно халқимизда “Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас” деган мақол бор. Аммо ариқ қазишга ҳожат туғилмаса ёки ўша ариқнинг ўзи бўлмаса, нима қилмоқ керак? Отизга ҳам сув чиқмай, далалар хароб бўлиб қолаверади-да.

Меҳнаткаш қорақалпоқ халқи йиллар давомида ана шундай қийинчилик ва изтироблар гирдобида яшади. Ишсизлик бор жойда қўнимсизлик авж олади. Одамлар даромад топиш илинжида ҳатто киндик қони томган тупроқни ташлаб, сарсон-саргардон кезишга-да мажбур бўлди.

Шу сабаб Президентимиз бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринларини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 72 минг расмий ишсиз бор. Ҳар йили 43 минг ёш меҳнат бозорига кириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, 193 минг иш ўрни яратиш ва Қорақалпоғистонни “ишсизликдан холи ҳудуд”га айлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бу борада маҳаллий раҳбарлар “Йўл харитаси” ишлаб чиқишга ваъда беришди. Мақсад амалга ошса, хориждаги меҳнат муҳожирлари ўз юртига қайтиб келади, оиласи бағрида бўлиб, юртига наф келтиради. Шунинг учун йирик корхона ва кластерлар, кончилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятларни ошириш чоралари белгиланди. Янги мактаб, болалар боғчалари ва шифохоналар қад кўтаради. Ҳудуддаги ҳар бир маҳалла ойдин манзилга айланади. Ҳар бир ташаббус, илгари сурилган таклиф ва топшириқлар олис овулларда яшаётган оддий одамлар қалбидаги умид ва ишонч денгизларини меҳр ва муҳаббатга тўлдирди.

Мамлакатимиз раҳбари ҳамиша ёшлар тақдири, уларнинг келажаги ва изланишлари билан қизиқади. Президентимизнинг Нукус ёшлар технопарки билан танишуви ҳам бунинг яққол исботи. Бу мажмуа ёшларнинг иқтидор ва кўникмаларини шакллантириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Хусусан, компьютер саводхонлиги, график дизайн, робототехника, 3D моделлаштириш, акселерация каби 9 та йўналишда йилига 1 минг 500 йигит-қиз таҳсил олиши мумкин. Бунинг учун замонавий техника, лаборатория ва устахона ускуналари ўрнатилган. Ҳозирги кунда ўқув курслари битирувчиларининг ғоялари стартап шаклига келтирилиб, “Бўлажак олим”, “Technoways”, “Start4 Region” каби танловларга 50 га яқин лойиҳалар топширилган. Шунингдек, “Орол денгизининг қурғоқчил ҳудудида уруғчилик плантациясини ташкил этиш” мавзуида умумий қиймати 955 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу денгизнинг қуриган тубидаги ерлардан фойдаланиш, сувни тежаш ҳамда тузни камайтиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, ушбу технопарк ёшларнинг интилиш ва ғояларини такомилга етказгунча ёрдам беради. Давлатимиз раҳбарига ёш фермер ва олимларнинг қуритилган органик помидор, оқова сувларни тозалаш ва балиқларга озуқабоп ўсимлик лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. “Яшил” технологияларга асосланган бу лойиҳалар Европа давлатларининг сертификатларига сазовор бўлган. Президентимиз бу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, амалиётга кенгроқ жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда аҳолига 6 минг 600 гектар ер берилган эди, бу йил яна 6 минг гектар ажратилмоқда. Бу орқали сабзи, пиёз, картошка каби кундалик маҳсулотларга эҳтиёж қопланади. Бўстон каналини бетонлаш ҳисобига Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектарда сув таъминоти яхшиланади. Дала четларида 3,6 минг гектарда қовоқ, узум ва сабзавот етиштириб, 42 минг тонна маҳсулот олинади.

Амалга оширилаётган ишлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар республикада муаммолар йўқ дегани эмас, албатта. Қорақалпоғистонда 51 та мактабда ўқувчилар сони меъёрдан 2 баравар кўп. 208 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхши эмас. 120 километр магистраль ҳамда энг серқатнов 600 километр ички йўлларни таъмирлаш керак. Шу боис 9 та туманда мактабгача таълим муассасалари қуриш, мактаб ва шифохоналарни таъмирлаш, жумладан, иссиқлик таъминотига қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди. Йўлларни бугунги кун талабларига мослаш, электр энергияси тақчиллигини бартараф этиш чораларини кўриш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Қорақалпоғистонлик фаоллар бу марраларни бажариш ўзларига боғлиқ экани, ҳамма бирлашиб ишласа, натижалар янада яхши бўлишини таъкидлашди.

## Матонатли элнинг метин қўрғони

Президентимиз ташаббуси билан Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури доирасида Нукус шаҳри, туманлар ҳамда овулларда амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишларида қорақалпоқ халқи ўзининг меҳнатсеварлиги, бирдамлигини намойиш этгани, эзгу ишларга бош-қош бўлаётгани ҳар қанча эътирофга арзийди.

Ана шундай сабр-бардошли, бағрикенг, заковатли халқ тарихда оғир замонларни, туманли кунларни кўп кўрди. Ўтмишда мустамлакачиларнинг зўравонлигидан бу халқ неча марта кўчди, неча марта бўлинди ва қайғу-аламда яшади. Энди ҳаёт ўзгарди. Одамларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. Мард ва матонатли Қорақалпоғистон халқининг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга қаратилган эзгу ва хайрли ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Кегейли, Тахтакўпир, Чимбой, Қораўзак каби шимолий ҳудудларда одатда корхоналар бўлмасди. Оддий тил билан айтганда, аҳоли ўз уйидан чиқиб, ишлаб келадиган корхонанинг ўзи йўқ эди. Натижада одамлар оилаларини ташлаб четга боришга мажбур бўларди. Олий маълумотли бўлиб ишсиз юриш дипломнинг ҳам обрўйини тушириб юборарди.

Бугун бу ерларда вазият бутунлай ижобий томонга ўзгарди. Президент ташрифи чоғида 6 та янги корхона ишга туширилди. Беруний туманидаги “Беруний буғдой кластер” ҳамда “Райҳон аппарел”, Қораўзак туманидаги “Қорақалпоқ цемент” заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги “ККРаси кемикал”, Нукус шаҳридаги “Азимут ҳотел”, Тўрткўл туманидаги “Хозагро” шулар жумласидан. Бу корхоналарда жами 1 100 та доимий иш ўрни яратилади, улар орқали ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга 20 миллион доллар қўшилади.

Бугунги фаровон кунларни, бунёдкорлик ишларини одамлар кўп кутди. Масалан, 95 йиллик тарихга эга Кегейли туманида саноат умуман йўқ эди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича қилинаётган ишлар, ҳудудлараро ҳамкорлик натижалари бу ерда ҳам сезилмоқда. Хусусан, андижонлик тадбиркорлар билан биргаликда учта лойиҳа ишга туширилди. Улардан бири — “Ақтуба текстиль” йилига 3 миллион донадан зиёд трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 500 та иш ўрни яратилган. Йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

— Олдин овулимизда шундай корхона қурилиши, унда юзлаб хотин-қизлар ишлаши хомхаёлдек туюларди, — дейди корхона тренер тикувчиси Райхон Давлетмуратова. — Буни қарангки, қишлоқ аёллари учун орзу бўлган ана шундай корхона 4-5 ой ичида бунёд этилди. Дастлабки кунларда 320 ишчи ишлаган бўлса, корхона кенгайтирилиб, бугунги кунда 500 нафарга яқин аёлларимиз ишли бўлди. Аёлларимиз рўзғори учун қўшимча даромад келтираётгани, ўзларининг кам-кўстини маошидан тўлдираётганидан мамнун, албатта.

Чекка ҳудудларда бундай янги корхоналар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамияти беқиёс. Корхонанинг ўзида касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган. Унда яқин маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар ҳунар ўрганиб, ўз йўлини топади.

Президентимиз “Маданият Мўйноқдан бошланади”, деган эзгу ғояни илгари сурганини халқимиз яхши билади. Худди шундай таълим соҳасидагиислоҳотларнинг бири ҳам айнан Қорақалпоғистондан бошланди. Яъни ўтган йили давлат раҳбари бу ерга ташрифи чоғида давлат томонидан кафолатланган бепул овқатланиш тизимини биринчи бўлиб Қорақалпоғистонда жорий қилиш топшириғини берган эди. Президентнинг бу топшириғи амалда. Ўқувчиларнинг учинчи дарсдан сўнг ошхонага келиши одат тусига айланди. Ўқитувчилар ҳам яратилаётган шароитлардан, мажбурий меҳнатдан озод қилинганидан хурсанд.

Эртанги ёруғ кунларга ишонч — қорақалпоқ халқининг бугунги энг катта ютуғи, кучи, қудрати, бузилмас қўрғони. Истиқболга инониш элни янада жипслаштириб, бир мушт қилиб, нурафшон манзиллар сари дадил интилишга ундаб турибди. Матонатли элнинг метин иродаси буюк мўъжизалар яратишга қодирлиги, шубҳасиз.

## Эзгу ният йўлида дадил қадамлар

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида миллатлараро тотувликка бағишланган маданий тадбир бўлди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Қарийб юз йиллик тарихга эга ушбу муассаса санъат ривожида, ёшлар тарбияси ва аҳолининг маданий ҳаётида муносиб ўринга эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ёшуллилар, санъат соҳаси вакиллари билан бирга бадиий дастурни томоша қилди. Қорақалпоғистонда кўплаб миллат вакиллари аҳил ва тотув яшамоқда. Дастурда шу жиҳат таъсирчан талқинларда ифодаланди. Халқ достонларидан парчалар, “Шағала”, “Дембермес”, “Нигарим” каби куй-қўшиқлар ижро этилди. Алишер Навоий, Бердақ, Махтумқули ва Абай ижодидан намуналар ўқилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов қаламига мансуб “Туғишганлик” шеъри ва “Ўзбекистон” қўшиғида миллатлараро тотувлик, оғзибирчилик, тинчлик қадри тараннум этилди.

Президентимиз шу ерда қорақалпоғистонлик ижодкорлар, маданият соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Бадиий дастурни юқори баҳолади.

Давлатимиз раҳбари тинчлик, хотиржамлик қадри, аҳиллик, иноқликнинг аҳамиятини очиб берувчи, азалий қадриятларимизни улуғловчи асарларни кўпроқ қўйиш, гастролларга чиқиб, ёшларни театрга қайтариш, маданиятини бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

Хуллас, давлатимиз раҳбари қорақалпоқ заминига ташрифи чоғида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси билан яқиндан танишди. Ўлканинг ютуқ ва камчиликларини яна бир бор таҳлил қилди. Қорақалпоғистонни ривожланган ҳудудга айлантиришдан кўзланган мақсад битта — у ҳам бўлса, халқнинг розилигини топиш, одамларнинг фаровонлигига эришиш, ишсизликка барҳам бериш.

Бугун ана шу эзгу мақсад йўлида дадил қадамлар ташланмоқда. Оролбўйида амалга оширилаётган улкан лойиҳалар, саноат, ишлаб чиқариш, маданият, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, адабиёт, қўйингки, эл-юрт тақдирига дахлдор ҳар бир соҳада янгиланиш, юксалиш намоён бўлмоқда. Энди бу ўзгаришларни, янгиланиш насимини ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида ҳис этиши, тақдирида яққол кўриши керак. Зотан, Президентимиз ўтмишда кўп жабр кўрган Оролбўйи аҳолиси тарихининг янги саҳифасини очди. Ишончимиз комилки, шу тарихнинг зарварақлари ой сайин, йил сайин зоҳиран гўзаллашиб, мазмунан чуқур салмоқ касб этиб бораверади. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга бу сафарги ташрифи чоғида ҳам ҳудудни янада юксалтиришнинг, одамлар турмуш даражасини оширишнинг келгусидаги йўналишларини белгилаб бергани сўзимизнинг яққол тасдиғидир.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Хорижлик дипломатлар:

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚА ЭКОТИЗИМИНИ АСРАБ ҚОЛИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

*Шу йилнинг 4 апрель куни Тошкентда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия корпуси вакилларининг катта гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳрида бўлди. Мўйноқ аэропортида дипломатларни республика ва шаҳар расмийлари кутиб олишди. Сўнгра дипломатлар Орол денгизининг қуриган туби ҳудудига борди, шунингдек, улар Орол денгизи тарихи музейи экспозицияси билан танишди.*

## Эътироф

Сўнгра мамлакат раҳбарияти томонидан Оролбўйи экологиясини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар, хусусан, саксовул плантацияларига ташриф буюриб, кўчат экиш жараёнига гувоҳ бўлишди.

Эслатиб ўтамиз, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияларини яратиш бўйича 2018 йил декабрь ойида ишга туширилган давлат дастурига мувофиқ, бугунги кунгача 1 миллион 730 минг гектарда ўрмонзор барпо этилган.

Сафар доирасида Табиат ресурслари, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Орол фожиаси оқибатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари юзасидан тақдимотлар ўтказилди.

“Дунё” ахборот агентлиги мухбири делегация аъзолари билан суҳбатда бўлди.

**Мунир МАМЕДЗАДЕ,**
**БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Қорақалпоғистонга тез-тез келиб турган бўлсам-да, Оролбўйини, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўламини биринчи марта ўз кўзим билан кўриш имконига эга бўлдим. Бу жуда муҳим. Чунки биз дипломатлар ҳам мазкур жараённинг бир бўлаги ҳисобланамиз, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди билан ҳамкорлик қиламиз. ЮНИСЕФ ва БМТнинг бошқа агентликлари жойлардаги дастурларда иштирок этади. Бундан ташқари, сизларга маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюция қабул қилинган.

Ўз навбатида, ҳудудда экотизимни тиклаш, ушбу экологик офатнинг болалар, ўсмирлар ва ёшларга таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада ҳозир бу ерда амалга оширилаётган ишлар келажак учун салмоқли наф келтиради. Умид қиламизки, биргаликдаги ишларимиз маҳаллий аҳоли манфаатларини энг яхши тарзда таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон раҳбариятининг Оролбўйи минтақасини қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамжамият эътиборини умумбашарий муаммога қаратиш, маҳаллий аҳоли учун энг яхши турмуш шароитларини яратиш учун давлат тузилмаларини сафарбар этиш борасидаги сиёсий иродасини олқишлаймиз.

**Язгули МАММЕДОВ,**
**Туркманистон элчиси:**

— Мўйноқ шаҳрини зиёрат қилдик, Орол денгизидаги “кемалар қабристони”ни кўрдик. Дарҳақиқат, жуда таъсирчан манзара. Биз минтақада Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш борасида жуда улкан ишлар амалга оширилаётганининг бевосита гувоҳига айландик.

Бу борадаги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг барчаси минтақамиз экотизимини асраб қолишга кўмаклашади, деб умид қиламиз.

**Константин ОБОЛЕНСКИЙ,**
**Швейцария элчиси:**

— Шубҳасиз, биз бу ерда жиддий экологик фалокатни кўриб турибмиз. Унинг оқибатларини фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан юмшатиш мумкин. Бу ерда 2018 — 2023 йилларда яратилган 1 миллион 730 минг гектар майдонда барпо қилинган ўрмонзор, албатта, наф келтиради ва бу жараённи давом эттириш зарур.

Ўзбекистон раҳбарининг Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон плантацияларини яратиш ташаббусига кўра, давлат ўз ҳудудида ўта муҳим масала билан шуғулланаётгани жуда катта эътиборга моликдир.

БМТ буни замонавий дунёдаги энг катта офатлардан бири, деб тан олган ва бугунги кунда мавжуд бўлган барча энг яхши технологиялардан фойдаланган ҳолда ушбу муаммони ҳал қилиш жаҳон ҳамжамияти учун жуда муҳим саналади.

**Бейбут АТАМҚУЛОВ,**
**Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси:**

— Бугун биз Орол денгизининг қуриб бораётган тубини бориб кўрдик. 150 километрга яқин масофани босиб ўтдик — жуда катта ҳудудда экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик. Ушбу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Бу минтақамиз тараққиётига, Орол денгизининг қуриши бўйича глобал экология муаммосини ҳал этишга қўшилаётган улкан ҳиссадир.

Бу муаммо бизнинг мамлакатимиз учун ҳам долзарбдир. Унинг салбий оқибатларини худди Қорақалпоғистондаги каби миллионлаб қозоғистонликлар ҳам бошдан кечирмоқда.

Табиат ўзини ўзи даволайди, лекин унга ёрдам керак. Ўзбекистоннинг барча қадамлари самарали бўлишига умид қиламан. Биз Ўзбекистоннинг минтақа экотизимини сақлаш ва маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

**Абдужаббор РАҲМОНЗОДА,**
**Тожикистон элчиси:**

— Дипломатия корпуси билан Орол денгизидан нима қолганини ва қандай жиддий муаммолар юзага келганини, шунингдек, унинг қуриган тубида ўрмон плантацияларини яратиш бўйича давлат дастурини амалга оширишнинг натижалари билан танишиш имконига эга бўлдик.

Бу ерда бажарилган ишлардан ҳайратдамиз. Саксовул кўчатларини экиш орқали ҳам ўз ҳиссамизни қўшганимиздан жуда мамнунмиз. Ўзбекистоннинг Орол экотизимини тиклаш ва денгиз қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари янада самарадор бўлишига умид қиламиз.

**«Дунё» АА.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

## МАМЛАКАТИМИЗ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

1

**— Пўлат Раззоқович, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти учун муҳим саналган Конституцияга ўзгартишлар киритиш юзасидан референдум жараёнлари бошланди. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қандай ишлар режалаштирилмоқда?**

— Ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкини турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш масалалари жуда муҳим ҳисобланади.

Шу боис ҳам янги Ўзбекистон тарихида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан илк ислоҳотлар айнан фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида бошланди.

Бунда асосий эътибор ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ҳамда сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим томонидан халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилди.

Мамлакатимизда барча давлат идоралари каби ички ишлар органларида ҳам раҳбарларнинг фуқаролар билан мулоқот қилиш, жиноятларни маҳаллаларнинг ўзида муҳокама этиш, энг чекка қишлоқларга бориб, аҳолининг дардини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ислоҳотлар давомида, адашиб жиноят содир этган шахсларни ижтимоий ҳаётга тўғри йўналтириш, жамиятнинг муносиб вакилига айланиши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2019 йилдан бошлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари”, бошқача айтганда, Нельсон Мандела қоидалари миллий қонунчилигимизга тўлиқ имплементация қилинди. Бунинг доирасида маҳкумларга илк бор, сайлаш, пенсия ва ижтимоий суғурта пулларини олиш, касб эгаллаш, таълим ҳамда сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи берилди. Уларга меҳнат қилиш, яқинлари билан суҳбатлашиш ва учрашиш учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Шунингдек, содир қилинган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган маҳкумларни афв этиш орқали озодликка чиқариш, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни, жумладан, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида ўтказилган “Меҳр” акциялари доирасида жанговар ҳаракатлар бўлаётган ҳудудлардан олиб келинганларни ижтимоий реабилитация қилиш тизими яратилди.

Умуман олганда, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳар қандай кўринишдаги қадр-қимматни камситиш, қийноқ ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда фуқаролар билан муносабатларда “инсон омили” таъсирини камайтирувчи замонавий ахборот технологиялари амалиётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш ва ҳурмат қилиш масаласига катта аҳамият қаратиляпти. Шу боис Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳар қандай давлатнинг ривожланиш йўлини белгилаб берувчи олий қонун ҳужжати референдумда бевосита халқ томонидан қабул қилинади.

Мазкур Конституцияни ҳар қандай шахс “Бу менинг Конституциям” деб айта олишига асослар мавжуд. Конституция лойиҳасидаги моддалар амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Умуман олганда, Бош қомусимизни мана шу нормалар билан тўлдириш ёки мавжудларини такомиллаштириш бўйича фуқароларимиз кўплаб таклифлар беришди.

Шу билан бирга, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам қўшимча таклифлар келиб тушди. Ҳар бир таклиф ортида инсон тақдири ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари турганлигини инобатга олиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

Янги Конституция “инсон — жамият — давлат” парадигмасига асосланганн, унда барча тоифаларнинг — ёшлар, аёллар, ногиронлиги борлар, ўқитувчилар, ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган. Агар мазкур лойиҳани халқимиз ҳам қўллаб-қувватласа, амалдаги Конституциямиз 65 фоизга янгиланади.

Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумэътироф этилган “Хабеас корпус” институти конституциявий даражада мустаҳкамланади.

Жумладан:

— айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилинади;

— ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади;

— шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас каби нормалар энди Бош қомусимиз билан тасдиқланади.

Яна бир янгилик — илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асосларини тушунтириш бўйича “Миранда қоидаси” жорий этилади. Бу орқали давлатимиз раҳбарининг қатъий талаби, яъни “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият” эканлигини ҳар бир ходим томонидан бажарилиши устидан кунлик назорат тизими ўрнатилади.

Мазкур талаб ва бошқа янги нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилади, албатта.

Мухтасар айтганда, аввало, халқимизни рози қилиш, хизмат фаолияти орқали фуқароларга янада қулайликлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

**— Ўзингизга яхши маълумки, бугунги кунда ҳар бир соҳани коррупциядан тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ички ишлар органлари тизимида бу борада қилинаётган ишлар натижалари сизни қониқтирадими?**

— Жамият ҳаётининг барча жабҳасида коррупцияга қарши курашиш долзарб вазифага айланди. Жумладан, ички ишлар органларида ҳам бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тизимда коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида вазирликнинг тегишли буйруғи ишлаб чиқилган.

Ушбу буйруққа асосан вазирликда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, таркибий тузилмалар ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида ишчи гуруҳлар тузилган. Комиссия томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

2022 йил якуни бўйича комиссия томонидан вазирликнинг таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари фаолияти текширилди. Ўрганиш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатар даражасидан келиб чиқиб улар “қизил”, “сариқ”, “яшил” ҳудуд тоифаларига ажратилди.



9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан ўтказилган видеороликлар танловига ички ишлар органлари ходимлари ва фуқаролар томонидан тайёрланган 42 та видеоролик келиб тушди. Фахрли ўринларни эгаллаган ва номинация ғолиблари ИИВнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилувчи ушбу видеороликлар ижтимоий тармоқлар орқали намойиш этилди.

Ходимларимиз ўз ташаббусига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар беришяпти. Ана шундай ташаббуслар туфайли ўтган йили фуқаролар ходимларга пора беришга уринганлиги бўйича 133 та ҳолат аниқланди. Айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Ходимлар ўртасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани ИИБ ходимлари томонидан содир этилган порахўрлик жинояти юзасидан “Коррупция — жаҳолатга йўл” номли махсус видеофильм шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларига намойиш этилди.

Шунингдек, пора олиш, пора бериш ва бунда воситачилик қилиш ҳам жиноят эканлиги ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар берган тақдирда пул мукофоти билан тақдирланиши бўйича махсус тарғибот ролиги тайёрланиб, ижтимоий тармоқлар орқали профилактик-тарғибот ишлари олиб борилди.

Ички ишлар органларининг маъмурий биноларида махсус бурчаклар ташкил этилган. Уларда коррупцияга қарши курашишга даъват қилувчи стенд, буклет ва плакатлар жой олган. Барча ходимларимиз хизмат фаолияти давомида тамагирлик, порахўрлик каби иллатларга қўл урмаслик юзасидан расман огоҳлантирилиб, бу бўйича ҳар бир ходимдан тилхат олинди.

Лекин бу билан коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимда барча чора-тадбирлар кўрилди, демоқчи эмасман. Ушбу йўналишдаги ишларни бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом эттирамиз. Мақсадимиз вазирликнинг барча бўлинмасида мазкур иллатга муросасизлик муҳитини қарор топтиришдан иборат.

**— Президентимизнинг шу йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлашга, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу эзгу, савобли ҳамда масъулиятли вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, ундаги кадрларнинг салоҳияти, маънавияти, интизоми ва албатта, садоқатига бевосита боғлиқ.

Айниқса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва ҳаётбахш ғоялари асосида ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимни халқ манфаатларига хизмат қиладиган, аҳолининг кундалик муаммолари билан ҳамнафас ишлайдиган, халқпарвар тузилмага айлантирмоқда, десак, хато бўлмайди.

Президентимизнинг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги яна бир улкан қадам бўлди.

Энди хизматга номзодларни танлашнинг адолатли ва шаффоф тизими яратилиб, ўрнатилган тартиблар тубдан соддалаштирилади ва бюрократик тўсиқлар бартараф этилади. Шу мақсадда “E-nomzod” ёпиқ ахборот тизимини яратиш орқали хизматга қабул қилиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади. Танлов жараёнида суҳбат ўрнига тест синовлари ва психофизиологик (полиграф) текширувдан ўтказилади.

Кадрлар билан ишлашда ҳам янги тартиб жорий этилди. Унга кўра, хизматга қабул қилинган ходимларга тайинланадиган дастлабки синов муддати бир йилгача узайтирилади. Улар ИИВ Малака ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлагандан сўнггина лавозимга тайинланадилар.

2023 йил 1 сентябрдан эътиборан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади. Улар ИИВ Малака ошириш институтида ҳар уч йилда бир маротаба ўқитилади. Махсус синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилади.

Яна бир муҳим янгилик — ИИВ ва ҳудудий ички ишлар органларида соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган жамоатчилик кенгашлари тузилишидир. Кенгашларнинг асосий вазифалари ички ишлар органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва мониторинг қилиб бориш, тизимдаги коррупция ҳолатлари бўйича интернет тармоқларида эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ва натижасини кенг жамоатчиликка етказиш ҳисобланади.

**— Йўл-транспорт ҳодисалари бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бири. Автомобиль йўлларига камера ва радарлар ўрнатилиши ҳам кутилган натижани беради, дейиш қийин. Айтинг-чи, бу муаммонинг яна қандай ечимлари бор, деб ҳисоблайсиз?**

— 2022 йил давомида йўллардаги носозликлар ва камчиликлар, ҳаракат қатнашчиларининг қўпол қоидабузарликлари натижасида турли кўринишдаги йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлди. 2021 йилдагига нисбатан солиштирилганда уларнинг сони кўпайгани йўқ, лекин юз берган битта йўл-транспорт ҳодисаси ҳам ачинарли ҳолатдир.

Ўтган йили йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан республиканинг барча ҳудудида ўзига хос тажрибалар яратилмоқда.

Хусусан, иккита мезон асосида автоҳалокат ўчоқларини бартараф этиш, яъни фожиалар миқдори бўйича йўл участкалари ҳамда ҳайдовчиларнинг ҳуқуқбузарликлари сонига қараб маҳаллаларни “қизил” ва “сариқ” тоифаларга ажратиш бўйича “Бухоро тажрибаси” яратилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини камайтириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” фармойиш имзоланди.

Ушбу ҳужжат йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича махсус дастурни, вилоятлар, шаҳар-туманлар ва маҳаллалар кесимидаги “Йўл харитаси”ни ҳамда тармоқ жадвалини ўз ичига олган. Унинг асосида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Мазкур гуруҳ мутахассислари сутка давомида республикада содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаб ва омилларини ўрганади, тармоқ жадвали асосида йўл-транспорт ҳодисалари ҳисоби бўйича ҳудудларни “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратади, автоҳалокат ўчоқларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чораларни белгилайди. Фармойиш ва унда белгиланган талабларнинг асосий мақсади — республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат.

Шунингдек, “Ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва қоидабузарликларга қарши курашиш бўйича маҳаллабай ишлаш тизими самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармойиш ҳам қабул қилинди.

Унга кўра, маҳаллалардаги йўл инфратузилмаси аҳволини ўрганиш ва назорат қилиш, ижтимоий объектлардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудлар бўйича ўз вақтида профилактик тадбирларни ташкиллаштириш, ҳайдовчиларни тайёрлашни назорат қилишнинг маҳаллабай тизими синов тариқасида жорий этилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳаллаларга ҳудуддаги транспорт воситалари, аҳоли сони, автомобиль йўлларининг узунлиги, транспорт воситаларининг оқими, ижтимоий объектлар сонини ҳисобга олган ҳолда бириктирилди. Уларнинг фаолияти аввалгидек вилоятлар миқёсида эмас, балки бундан буён ҳар бир шаҳар-туман ҳамда уларда жойлашган маҳаллалар миқёсида кўрилган самарали ишлар бўйича баҳоланади.

Албатта, амалга оширилаётган бу ўзгаришларнинг барчаси йўлларимизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ҳар бир ҳаракат иштирокчиси ўз хавфсизлигини, соғлиғини муҳофаза қилиши учун йўл ҳаракати қоидалари талабларига қатъий риоя этиши керак.

**— Ички ишлар органлари ходимлари учун касб этикаси масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган тизим ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш борасида қандай чоралар кўриляпти?**

— Бу борада юқорида зикр этилган Президентимиз қарори билан Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланган. Кодексда ходимларнинг маданиятини, билимини ошириш ва тартиб-интизомини мустаҳкамлаш, кучайтириш назарда тутилган.

Ходимларда биринчи ўринда камтарлик қадрланади. Кодексда улардан фуқароларга нисбатан менсимаслик ҳолатлари содир этмаслиги қатъий талаб сифатида белгиланган. Илгари вазир буйруғи шаклида ҳам шундай талаблар бўлган, аммо уларни фақат ходимларнинг ўзлари биларди, фуқароларнинг хабари бўлмасди. Ҳозирги ҳужжатни ҳар бир фуқаро кўриши, билиши мумкин. Фуқаролар ходимлардан кодексдаги қоидаларга риоя этишни талаб қилиш имконига эга.

Кодекс қоидаларини бузган ҳар қандай ходимга нисбатан тегишли чора кўрилади. Керак бўлса, ҳар битта ходим кодексни ёнида олиб юради. Барча ходимлар ундаги қоидаларни ёддан билиши ва сўзсиз амал қилиши керак. Бу бўйича ҳам қўшимча машғулотлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, кодексда баҳолаш мезони ҳам мавжуд. Ходимларнинг даража олиши, лавозимларга кўтарилиши масалалари, рағбатлантириш меъёрлари ҳам белгиланган. Кодекс талабларини бажармаган ходимлар рағбатлантирилмайди, уларнинг навбатдаги унвонни олиши, юқори лавозимга кўтарилиши тўхтатилади.

Ножўя хатти-ҳаракатларнинг барчаси кодексда аниқ белгиланган. Масалан, ички ишлар ходими уч кун асоссиз ишга чиқмаса, уни ишдан бўшатиш мумкин. Шунингдек, ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш пайтида ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланган. Улар фуқароларга ва ҳамкасбларига самимий ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Шу каби бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилган.

Агар ходим нотўғри хатти-ҳаракат содир этган бўлса, фуқаролар унинг устидан шикоят қилишга ҳақли. Хизмат текшируви орқали уларнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади. Хато қилган бўлса, албатта, чора кўрилади. Кодексда чора турлари ҳам аниқ баён этилган.

**— Ижтимоий тармоқларда деярли ҳар куни фош этилган бирор жиноят ҳақида эшитамиз, ўқиймиз. Айтинг-чи, бу ахборотларнинг шаффофлашиши туфайлими ёки чиндан ҳам, жиноятлар сони кўпайганми? Жиноятлар таҳлили нималарни кўрсатади?**

— Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш учун 22 та веб-сайт, ижтимоий тармоқларда эса 70 тадан ортиқ расмий саҳифалар юритилмоқда. Улар орқали 2022 йил давомида 2,5 миллиондан зиёд доимий фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этилди.

Криминоген вазиятни холисона таҳлил қилиш, жиноятларни яширмаслик мақсадида, ходимлар ташаббуси билан аниқланадиган жиноятлар ижобий натижа сифатида баҳолаш тизимига ўтилди. Бу ўз самарасини берди. 2022 йилнинг 12 ойида қайд этилган жиноятларнинг деярли учдан бир қисми ходимларнинг ташаббуси билан аниқланди.

Шу билан бирга, ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудида жиноятлар секторлар кесимида таҳлил қилиниб, вазиятга маҳалладаги хавфсиз шароит яратилганлигига қараб баҳо берилмоқда. Бундай ёндашув криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун замин яратмоқда. Агар бундан олти йил аввал жиноятдан холи ҳудудга айланган маҳаллалар улуши 13 фоиздан ошмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг улуши 35 фоизни ташкил этмоқда.

Шу даврда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан олди олиниши лозим бўлган жиноятлар сони қарийб бир ярим бараварга (216 тадан 153 тага) камайди ва бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида энг хавфсиз давлат ҳисобланади. Энг асосийси, ходимларнинг кундалик фаолияти рақам ва фоиз ортидан қувишга эмас, балки жиноятчиликнинг асл сабабларини бартараф этиш орқали фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Лекин эришилган натижалардан ортиқча хотиржамликка берилмасдан, келгусида ҳам аҳолининг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш, фаолиятимиз натижасини Президентимиз ва халқимиз кутган даражага етказиш учун ҳар бир ходим тиним билмасдан ишлаши лозим.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИМКОНИНИ ЯРАТМОҚДА

*Ғозғон ҳақида гап кетса, албатта, ундаги бебаҳо мармарлар тилга олинади. Зеро, Тошкент, Москва, Прага, Киев метрополитени бекатлари, Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси каби ўнлаб муаззам иншоотларга Ғозғон мармари билан зеб берилгани бугун барчамизга ғурур бағишлайди. Лекин афсуски, мустақиллик йиллари бунёдкорлигида Ғозғон мармари билан зеб берилган бирон-бир иншоотни тилга олишимиз мушкул.*

## Жараён

Аслида-ку, Ғозғон мармарининг қадри тушиб, унинг ноёблик хусусиятлари йўқолган эмас. Фақат тошга ишлов бериш технологияси эскириб, маҳсулот сифатига қўйилган талаблар ўзгарди.

— Ғозғон мармари тўқ кулранг, тутунранг, кўкимтир, қизғиш, оч қизғиш ва баъзи-баъзида нафис оқликдан иборат рангдорлиги билан ажралиб туради, — дейди ғозғонлик машҳур сангтарош Тоҳир Раҳимов. — Энг муҳими, совуқ ва иссиққа чидамли, юз йилгача ҳам сифатини йўқотмайди. Таркибида темир моддаси камлиги сабаб занглмайди, ёрилмайди.

Ғозғон мармарининг саноат йўли билан қазиб олиниши ва ишлов берилишига XX асрнинг 30-йилларида асос солинган бўлса-да, узоқ йиллар харсанг кўринишида олиб кетилиб, собиқ иттифоқ ҳудудидаги мингдан ошиқ йирик қурилишларга етказиб берилган. Фақат ўтган асрнинг 60-йилларига келиб тошга ишлов бериш корхонаси барпо этилган ва унда харсангларнинг 43 фоизигина қайта ишланган. Маҳсулот сифатига келсак, қурилиш материаллари бозорида тошнинг сержилолиги унинг рақобатбардошлигини таъминлаган холос.

— Президентимизнинг 2018 ва 2019 йилларда Навоий вилоятига ташрифлари чоғида Ғозғонда мармар ва гранитга асосланган қурилиш материаллари саноати базасини ташкил этиш, юқори инфратизимга эга саноат шаҳрига асос солиш, ҳудудни комплекс ривожлантириш режасини ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди, — дейди Ғозғон шаҳри ҳокими Азим Бозоров. — Ушбу ғоя мамлакатимиз харитасида янги шаҳар ва янги саноат кластери пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Атиги беш йил ичида бу ерда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги “2019 — 2021 йилларда Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, саноат соҳаларини ривожлантириш йўналишида “Мармаробод” МЧЖ кластернинг асосий бўғини, яъни табиий тошларни қазиб олиб, барча қайта ишловчиларни зарур хомашё билан таъминловчи корхона этиб белгиланди. 2019-2020 ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган икки босқичли, жами 64 лойиҳадан иборат инвестициявий режалар мажмуаси тасдиқланди. Унга кўра, мармар ва гранит қазиб олиш ҳажми қарийб тўрт, қайта ишлаш ҳажми эса беш бараварга оширилиши режалаштирилган. Шу асосда жами 14 та МЧЖ томонидан биринчи босқичда 52 миллион, иккинчи босқичда 145 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестициявий лойиҳаларни ишга тушириш тасдиқланди.

Ана шундай корхоналардан бири — “Gazgan stone invest” МЧЖ. Ушбу лойиҳа қиймати 77,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, йилига 200 минг куб метр мармар плиталар ишлаб чиқариш қувватига эга. У Италиядан келтирилган энг замонавий технологиялар билан жиҳозлангани ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самарадорликни таъминлайди. Станокларнинг деярли барчасида компьютер дастурлари асосида тошга ишлов берилиб, фрезер станогида плиталар лазер ёрдамида кесилади. Шунинг эвазига инсон омилига эҳтиёж қисқартирилиб, бу якуний натижа — маҳсулот таннархида ўз аксини топмоқда.



— Ушбу корхонага ишга келганимга ярим йилча бўлиб қолди, — дейди оператор Ўткиржон Умматов. — Ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз ҳозирча, асосан, Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Ғозғонни бугун чинакам қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳар замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида бутунлай янги қиёфа касб этиб бормоқда. 19 километрдан тоза ичимлик суви келтирилиб, ўнлаб километрлик ички кўчаларга асфальт ётқизилди. Юқори тезликдаги интернет, замонавий юз ўринли оилавий поликлиника ишга туширилди. Маъмурий бинолар, маданий-маиший иншоотлар бунёд этилмоқда. Шунингдек, шаҳарда кон саноати корхоналари билан бир қаторда ғозғонлик аёлларни иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида 150 ўринли “Premier textile” хусусий корхонаси ишга туширилиб, трикотаж маҳсулотлари экспорти йўлга қўйилди.

— Бу ерда иш бошлаганимга икки йил бўлди, — дейди тикувчи Асалой Ҳақбердиева. — Бир кунда 300 тага яқин маҳсулот топшираман. Корхона очилгунга қадар ишсиз эдим. Бугун оиламиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз раҳбари топшириқлари асосида қабул қилинган қарорлар ижросининг тўлиқ таъминланиши Ғозғонда 10 мингта иш ўрнини яратиш имконини беради.

Умуман, бу ерда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар, инновациявий лойиҳалар ҳудуд иқтисодиёти барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини ошириш имконини яратмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6